ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 155 (6016).

10 АВГУСТ

ЧОРШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ МАДҲИЯСИ

Белоруссия Компартияси Марказий Комитети, Белоруссия ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи «Звязда» газетаси ўзининг навбатдаги сонини Совет Ўзбекистонига бағишлаб чиқарди. Улуғ Октябрдан кейин Совет Ўзбекистони босиб ўтган шонли йўл тўғрисида республика меҳнаткашларининг барча зафарларида яққол намоён бўлган халқлар ленинча дўстлигининг баҳодирона куч-қудрати тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар газетанинг қарийб уч саҳифасида берилган.

Газетанинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган ана шу сонидаги бош мақоласида бундай дейилади: «Совет Ўзбекистонига бир назар ташласангиз, ўшанда илгариги мазлум халққа Октябрь, ленинизм нималар берганлигини яққол кўрасиз. Барча совет республикалари сингари Ўзбекистон ҳам Ильичнинг буюк васиятларини рўёбга чиқара бориб, Ленин кўрсатган йўлдан порлоқ келажак — коммунизм сари комил ишонч билан бормоқда.

Ўзбекистоннинг донгдор кишилари ўз республикасини Белоруссия газетаси ўқувчиларига таништирадилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. Зоҳидов ўзининг мақоласини «Тенгларнинг тенги» атаган. Киров номли колхоз бригада бошлиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Т. Охунова ўзбек пахтакорларига Улуғ Октябрь берган эркин ижодий меҳнат бахт-саодати тўғрисида гапиради. Тошкентлик бинокор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Қорабоевнинг мақоласи «Тошкент — дўстлик ва қардошлик маркази» деб аталган. Махсус сондаги муаллифлар орасида «Ташсельмаш» заводининг слесари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, КПСС XXV съезди делегати М. Мўйдинов, СССР халқ артисти М. Қаюмов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти С. Сирожиддинов, донгдор соҳибкор Ризамат Мусамуҳамедовлар бор. Бошқа иттифоқдош республикалар сингари Ўзбекистон эришган барча муваффақиятлар Советлар мамлакати халқларининг бир-бирига ўзаро яқиндан ёрдами, жонажон Коммунистик партиянинг доно сиёсати шарофатидан деган фикр барча мақолаларда бошдан оёқ изҳор этилган.

«Рақамлар ва фактлар» деган умумий сарлавҳа остида берилган статистик материаллар подборкаси совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистоннинг экономикаси ва маданияти нақадар юксак даражага эришганлиги тўғрисидаги мадҳиянинг ўзига хос далилидир. «Республика янгиликлари» сарлавҳаси остида эълон қилинган ахборот материаллари Ўзбекистон меҳнат аҳлининг жўшқин ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилади. Газетанинг бу сонида Ўзбекистондаги ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг кенг, ранг-баранг бунёдкорлик ишларини, унинг шаҳарлари ва қишлоқларининг гўзаллигини тасвирлаган кўплаб-кўп фотосуратлар бор. Қардош республикаларнинг намояндалари Тошкентда барпо этган уйларининг суратлари ҳам тасвирланган. Ана шундай уйлардан бирида сермаъно ёзув кўзга ташланади: «Белорус халқидан тошкентликларнинг бахт-саодати учун». (ЎзТАГ).

КЕЛИНГ, БЕЛЛАШАЙЛИК

«Ленин йўли» колхози билан Тимирязев номли колхоз мусобақадош. Бу икки хўжаликдаги ажойиб пахта усталари, моҳир механизаторлар, миришкор сувчилар, «оқ олтин»га меҳр қўйган колхозчилар юбилей йилида мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилишган. Ҳар икки колхоз аъзоматларн пахта ҳосилдорлигини ўтган йилга нисбатан 4 центнердан оширишга, «Ленин йўли» колхози аъзолари 1700 гектар ердан 36 центнердан, Тимирязев номли колхоз аъзолари 1050 гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилиб, мажбуриятни бажариш учун пухта замин яратмоқдалар.

«Ленин йўли» колхозининг Толи Азизов бошлиқ бригадаси пахтазорларидаги ғиж-ғиж ҳосил олаётган бир текис ғўзаларни кўрган кишининг ҳаваси келади. Ғўза икки марта минерал ўғит, бир марта маҳаллий ўғит билан озиқлантирилган. Ўтган йили ғўза уч марта суғорилган бўлса, бу йил тўртинчи сувни тамомлаб бешинчи сув тараш бошлаб юборилган. Бу ерда Йўлдош Исҳоқов, Алиқул Рустамов, Хақмурод Эшқулов сингари сувчилар ғўзани қондириб суғоришмоқда.

— Ниятимиз бу йил ҳосилдорликни 50 центнерга етказишдан иборат, — дейди Толи Азизов.

Бу колхознинг Муроддин Гулмамедов, Қулман Чориев, Робия Каримовалар бошлиқ бригадалари аъзолари 45—50 центнерчилар ҳаракатига қўшилиб, ўз сўзларининг устидан чиқиш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Колхознинг қайси бригадасига борманг иш қизғин.

— Яқинда биз Тимирязев номли мусобақадош колхоз пахтазорларини бирма-бир кўриб чиқдик. Ишлари чакки эмас. Гектаридан 40 центнердан ҳосил олишларига тўла ишонч ҳосил қилдик, — дейди «Ленин йўли» колхози партия ташкилотининг секретари Мурод Иброҳимов.

Дарҳақиқат, Тимирязев номли колхозда ҳам эллик центнерчилар ҳаракатига қўшилиб меҳнат қилаётган бригада аъзолари оз эмас. Баёнқул Раҳмонов, Мадали Исломов, Сами Собиров, Рашид Раззоқов бошлиқ бригада аъзолари шулар жумласидан. Яқинда бу колхозда СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланган йиғилишда 50 центнерчи Мадали Исломов ўзига чиқиб бундай деди:

— Янги Конституция — бахт қонуни. Бригадамиз аъзолари ундан рухланиб зиммаларига оширилган қўшимча мажбурият олдилар, яъни ҳосилдорликни 55 центнерга етказамиз, деб қарор қилдилар.

Мусобақадош бу икки колхозда ҳосилга-ҳосил қўшиш тадбирларини амалга ошириш билан бирга йиғимтеримга ҳам астойдил тайёргарлик кўрилмоқда. Тимирязев номли колхоз аъзолари ялпи ҳосилнинг 73 процентини машина билан теришга, четдан ишчи кучлари жалб этмасликка, терилган ҳосилни бункердан тележкага ортиб пунктга жўнатиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

— Техника тайёр, йиғимтеримга тадбирларини ишлаб чиқдик. Сами Собиров, Абдуқодир Облақулов, Пўлат Асроров сингари ажойиб механизаторларимиз бор, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Ҳамза Худоёров.

«Ленин йўли» колхозида ҳам худди шундай тайёрлик кўрилмоқда. Колхоз раиси Зиёд Исҳоқов колхоз активлари билан суҳбатлашиб турганда механик-ҳайдовчи Суяр Ҳасанов унга бир қоғоз узатди.

— Бу нима? — сўради раис.

— Хат.

— Қанақа хат?

— Мусобақадош колхозимиздаги механик-ҳайдовчи Пўлатжон Асроров билан бу йил беллашмоқчиман...

Раис хатни олиб активларга ўқиб берди:

«Ҳурматли касбдошим Пўлатжон!

Пахтакорликда ҳал қилувчи масъулиятли давр яқинлашиб келмоқда. Об-ҳаво жуда инжиқ келган бу йилги шароитда мўл ҳосил етиштириш деб умид боғлаб турибдилар.

Келинг, дўстим, фидокор деҳқонларимизнинг бизга бўлган катта ишончларини оқлайлик. Шу эзгу ниятда бу йил сиз билан беллашмоқчиман. Сиз ўтган йили ўз машинангиз билан 224 тонна пахта териб, колхозда мусобақа ғолиби бўлган экансиз. Бу йил 250 тонна пахта тераман, деб ваъда берибсиз. Халқимизда «осилсанг баланд дорга осил», деган гап бор.

Сизлар бу йил 4200 тонналик ялпи ҳосилнинг 3900 тоннасини машина билан теришга қарор қилибсизлар. Биз 6020 тонна ялпи ҳосилнинг 5200 тоннасини машинада терамиз. Албатта, машина билан пахта териш даражаси сизларда юқори. Шунинг учун биз сизлар эришган даражага етиб олиш учун интиляпмиз. Карим Маматқулов, Роҳат Ортиқов, Жалил Рамазонов, Йўлдош Тожибоев, Эгам Рўзиев сингари механик ҳайдовчиларимиз ўтган йилга нисбатан бу йил ўз машиналари билан 40—50 тонна кўп пахта териб берамиз, деб ваъда бердилар. Мен ҳам бу йил 260 тонна пахта термоқчиман.

Албатта, машинанинг унумли ишлаши фақат механик-хайдовчига боғлиқ эмас. Халқимизда «қозонда бўлса чўмичга чиқади», деган гап бор. Деҳқонларимиз ҳосилдорликни ошириш учун курашиб мўл ҳосил етиштирдилар, бизларнинг унумлироқ ишлашимиз учун қулай шароит яратдилар.

Пўлатжон, келинг шундай қулай шароитдан фойдаланайлик, икки колхознинг 10040 тонналик «оқ олтин» хирмонига машина бункерларидан 9100 тонна ҳосил тўкиб муносиб хисса қўшайлик.

Сизнинг бу йил ҳам мусобақа ғолиби бўлишингизга астойдил тилакдошман.

Ҳамкасбингиз Суяр Хасанов».

«Зангори кема» капитанининг бу мактуби фақат активларнигина эмас, балки барча колхозчиларни ҳам тўлқинлантириб юборди. Улар Суяр Ҳасановнинг бу ватанпарварлик ҳаракатига ҳайриҳоҳлик билдиришиб, тажрибали механизатор билан ҳеч иккиланмай, дадил беллашаверишга даъват этдилар.

— Сен мусобақада ғолиб чиқмаслигинг мумкин, — деди раис. — Бу масала сени ташвишга солмаслиги керак. Чунки, қалб амри билан шу ишга жазм қилганинг ҳар икки колхоз механизаторлари қалбига чўғ ташлаши, уларни ҳам ташаббускорлик билан меҳнат қилишга даъват этиши аниқ. Сенинг энг катта ютуғинг ҳам ана шундадир.

Дарҳақиқат, Суяр Ҳасановнинг мактуби икки хўжалик аъзолари ўртасида кенг ёйилиб, уларнинг меҳнат активлигини оширади, социалистик мусобақага янада қизғин тус беради. Ҳа, мусобақадошларнинг ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариб, буюк инқилоб тўйини ёруғ юз билан кутиб олишларига шубҳа йўқ.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
Бўка район.

МУСОБАҚАДОШЛАР ДАВРАСИДА

осон бўлмади. Баҳор қуруқ келди. Ўз вақтида экилган чигит ер намига униб чиқмади. Тадбиркор пахтакорларимиз барча майдонларга сув қўйиб чигитни ундириб олдилар. Бунинг учун озмунча тер тўкилмади.

Бу йил ёз ҳам одатдан ташқари иссиқ келди. Сув танкис бўлган шароитда ғўзани чанқатиб қўймаслик керак эди. Азамат сувчиларимиз кунни-тунга улаб меҳнат қилдилар. Ҳар томчи сувдан унумли фойдаланиш учун астойдил курашдилар, қанча насослар оқава сувларини экинзорларга буриб берди. Ана шундай тадбирлар туфайли колхозимизда ғўзага йилдагидан бир марта кўп сув таралди.

Бундан ташқари ғўзанинг офати — ҳашарот экинларимизга хужум қилди. Ургимчаккана, шира, кўсак қуртига қарши курашишга тўғри келди. Машаққатларни енгиб, фидокорона меҳнат билан деҳқонларимиз мўл ҳосил етиштиришмоқдалар. Зар қадрини заргар билади, дейдилар. Сиз билан биз шундай ишлар жараёнида тер тўкканимиз учун пахтанинг қадр қимматини яхши тушунамиз. Уни зўр ифтихор билан «оқ олтин» деймиз. Энди сизу-биз каби механик-ҳайдовчиларнинг жасорат кўрсатадиган пайти келиб қолди. «Пўлат от» жиловларини пахтазорларга бурадиган пайт келмоқда. Пахтазорларимизнинг бутун умидлари сиздан. Сиз билан биз каби «зангори кема» капитанлари етиштирган ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмай териб берадилар, оғирмизни енгил, узоғимизни яқин қиладилар, деб умид боғлаб турибдилар.

Келинг, дўстим, фидокор деҳқонларимизнинг бизга бўлган катта ишончларини оқлайлик. Шу эзгу ниятда бу йил сиз билан беллашмоқчиман. Сиз ўтган йили ўз машинангиз билан 224 тонна пахта териб, колхозда мусобақа ғолиби бўлган экансиз. Бу йил 250 тонна пахта тераман, деб ваъда берибсиз. Халқимизда «осилсанг баланд дорга осил», деган гап бор.

Сизлар бу йил 4200 тонналик ялпи ҳосилнинг 3900 тоннасини машина билан теришга қарор қилибсизлар. Биз 6020 тонна ялпи ҳосилнинг 5200 тоннасини машинада терамиз. Албатта, машина билан пахта териш даражаси сизларда юқори. Шунинг учун биз сизлар эришган даражага етиб олиш учун интиляпмиз. Карим Маматқулов, Роҳат Ортиқов, Жалил Рамазонов, Йўлдош Тожибоев, Эгам Рўзиев сингари механик ҳайдовчиларимиз ўтган йилга нисбатан бу йил ўз машиналари билан 40—50 тонна кўп пахта териб берамиз, деб ваъда бердилар. Мен ҳам бу йил 260 тонна пахта термоқчиман.

Албатта, машинанинг унумли ишлаши фақат механик-хайдовчига боғлиқ эмас. Халқимизда «қозонда бўлса чўмичга чиқади», деган гап бор. Деҳқонларимиз ҳосилдорликни ошириш учун курашиб мўл ҳосил етиштирдилар, бизларнинг унумлироқ ишлашимиз учун қулай шароит яратдилар.

Пўлатжон, келинг шундай қулай шароитдан фойдаланайлик, икки колхознинг 10040 тонналик «оқ олтин» хирмонига машина бункерларидан 9100 тонна ҳосил тўкиб муносиб хисса қўшайлик.

Сизнинг бу йил ҳам мусобақа ғолиби бўлишингизга астойдил тилакдошман.

Ҳамкасбингиз Суяр Хасанов».

«Зангори кема» капитанининг бу мактуби фақат активларнигина эмас, балки барча колхозчиларни ҳам тўлқинлантириб юборди. Улар Суяр Ҳасановнинг бу ватанпарварлик ҳаракатига ҳайриҳоҳлик билдиришиб, тажрибали механизатор билан ҳеч иккиланмай, дадил беллашаверишга даъват этдилар.

— Сен мусобақада ғолиб чиқмаслигинг мумкин, — деди раис. — Бу масала сени ташвишга солмаслиги керак. Чунки, қалб амри билан шу ишга жазм қилганинг ҳар икки колхоз механизаторлари қалбига чўғ ташлаши, уларни ҳам ташаббускорлик билан меҳнат қилишга даъват этиши аниқ. Сенинг энг катта ютуғинг ҳам ана шундадир.

Дарҳақиқат, Суяр Ҳасановнинг мактуби икки хўжалик аъзолари ўртасида кенг ёйилиб, уларнинг меҳнат активлигини оширади, социалистик мусобақага янада қизғин тус беради. Ҳа, мусобақадошларнинг ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариб, буюк инқилоб тўйини ёруғ юз билан кутиб олишларига шубҳа йўқ.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
Бўка район.





Тошкент кабель заводида Венгриядан келтирилган янги машиналар ишга туширилди. Бу машиналар телефон кабелларини ўрашга хизмат қилади. Суратда: илғор ўровчи Назия Гаязова иш устида.

Р. Шамсуддинов фотоси, (ЎзТАГ).

Ғазалкент район электр станцияси коллективи октябрдан социалистик мусобақасини тобора авж олдириб, аҳолини электр энергияси билан таъминлаш ишини тобора юқори даражага кўтармоқда. Бунинг учун линиялар такомиллаштирилянти ва модернизация қилинмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида электр корхонасида қатор янгиликлар жорий этилди. Суратда: монтёр Абдужамил Назиров ва Ғазалкент район электр станцияси бошлигининг ўринбосари К. Иноғомов подстанция ускуналарини кўздан кечиришмоқда.

И. Портнов фотоси.

«САЛЮТ-5» СТАНЦИЯСИ УЧИШНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАДИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 8 АВГУСТ. (ТАСС). 1976 йил 22 июнда ер атрофи орбитасига чиқарилган «Салют-5» орбитал илмий станцияси узоқ даном этган космик учишини 1977 йил 8 августда тугаллади.

Станция 8 августда Москва вақти билан соат 12 га қадар ер атрофини 6630 марта айланиб чиқди.

Учиш программасига мувофиқ якуловчи операциялар ўтказилиб бўлганидан кейин «Салют-5» станцияси ердан берилган командаларга биноан фазода мўлжал олдирилиб, белгилаб қўйилган вақтда унинг двигатель установкаси ишга туширилди. Тормозланиш натижасида станция туширилиш траекториясига ўтиб, Тинч океан акваториясининг мўлжалланган райони устида атмосферанинг зич катламларига кирди ва йўқ бўлиб кетди.

Б. В. Волынов, В. В. Жолобов, В. В. Горбатко, Ю. Н. Глазковлардан иборат космонавтлар экипажларининг икки сменаси «Салют-5» станциясида ишлаш давомида ва станциянинг автомат режимда учиши вақтида катта илмий ва халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган 300 дан зиёд эксперимент бажарилди.

Электромагнит нурланиш спектрининг кенг диапазонида қуёш, ой, юлдузлар тадқиқ қилинди. Ер атмосферасининг, ер юзи турли районларидаги табиат ҳосилалари ва ландшафтларининг кенг ҳажмдаги спектрал характеристикалари олинди. Фотоаппаратлар комплекси ёрдамида Совет Иттифоқи территориясининг ҳамда жаҳон океани акваториясининг катта-катта районлари суратга олинди. Суратга олиш материаллари мамлакат табиий ресурсларини тадқиқ этиш ҳамда атроф муҳитнинг ҳолатини контрол қилиш учун халқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланилади.

Станция бортида космик ишлаб чиқаришнинг назарий асосларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга қаратилган технологик экспериментлари ўтказиш учиш программасининг мустақил бир қисми эди.

Космонавтлар янги истиқболли борт системаларини пишиқтириш юзасидан бир қанча техникавий экспериментлар, шу жумладан станция атмосферасини қисман ўзгартириш юзасидан муҳим эксперимент ўтказишди.

«Салют-5» орбитал станциясининг учиш программасига мувофиқ ҳар хил медицинавий ва биологик тадқиқотлар ҳам ўтказилди.

Учиш давомида тадқиқот ва эксперимент материалларини етказиб бериш учун 1977 йил 26 февралда станциядан ерга қайтарилувчи автомат аппарат туширилди.

«Салют-5» станциясининг бир йилдан кўпроқ давом этган бутун учиши мобайнида у муттасил ерга мўлжал олдирилган ҳолда бўлди, станциянинг ҳамма борт системалари ва илмий аппаратлари нормал ишлаб турди.

Учиш натижаларидан илмий вазифалар ва халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш, истиқболли космик аппаратларни лойиҳалаш чоғида кенг фойдаланилади.

700 ТОННА «ҚАҲРАБО ДОН» УЧУН

Бўка районидаги Тимирязов номли колхоз меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун пухта замин яратмоқдалар. Хўжалик «оқ олтин» усталари бу йил ҳосилдорликни пландаги 31 центнер ўрнига 40 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Ҳозир барқ уриб ривожланаётган карталардаги ҳар туп ғўзада 6—7 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Бу уюлажак улкан хирмондан дарак бериб турибди.

Колхознинг Аҳадқул Қурбонов бошлиқ маккажўхорикорлик бригадаси аъзолари эса етиштирилган «қаҳрабо дон» ҳосилини йиғиштириб олишга киришдилар. Юз центнерчилар ташаббусига қўшилган бригада аҳли 70 гектар майдондаги маккажўхори дон ҳосилини қисқа муддатларда нобуд қилмай йиғиштириб олиб, давлатга жами 700 тонна дон сотиш учун курашмоқдалар.

Иш суръатини жадаллаштириш ва донни исроф қилмаслик шиори билан меҳнат қилаётган Муқум Худоёров, Турдиқул Қизилбеков, Амрулло Раҳимов сингари тажрибали механизаторлар кунига 3 гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олишга улгурмоқдалар.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, бригада аъзолари юз центнерлик маррани сўзсиз эгаллаб, юбилей шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларини ёруғ юз билан бажарадилар.

УЛУҒ ОКТЯБРНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноати маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1977 йил январь-июль ойлари планини 102,9 процент бажарди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,7 процент, меҳнат унумдорлиги 2,3 процент ошди.

Маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1977 йил январь-июль ойлари планини Қорақалпоғистон АССР, республиканинг барча областлари ва Тошкент шаҳри бажарди.

(ЎзТАГ).

НЕЙТРОН БОМБАСИГА ЙЎЛ ЙЎҚ

ДАЪВАТ

Хиросима ва Нагасаки фожиаси йиллигида бу даъватни имзолаган партиялар АҚШ ҳукумати мўлжаллаётган нейтрон бомба ишлаб чиқаришга қарши чиқмоқдалар. Улар миллионларча кишиларни совуққонлик билан қириб ташлаш учун мўлжалланган бу қурол ваҳшиёна қурол эканлигини фош қилмоқдалар.

Бундай қадам қуролланиш пойгасини янада авж олдириб, халқаро тинчлик учун янги хавф-хатарларни вужудга келтирган бўлур эди. Партиялар барча тинчликсевар кучларни, хусусан социалистларни, социал-демократларни ва христианларни нескинликни юмшатиш сиёсатини давом эттириш учун, қуролсизланиш соҳасида самарали тадбирлар кўриш йўли билан тинчликни таъминлаш учун кураш олиб боришга даъват этадилар. Бу чора ҳарбий блокларни бартараф қилиш ва ҳатто уларни тарқатиб юбориш учун замин вужудга келтиради. Партиялар халқларга мурожаат қилиб, уларни қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, хусусан ядро қуроли билан қуролланишга қарши ҳаракат қилишга чақирадилар. Ялпи қирғин қуроли тамомила таъқиқланишига қадар бундай қуролнинг янги турларини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш таъқиқланиши лозим.

Бельгия Коммунистик партияси, Болгария Коммунистик партияси, Канада Коммунистик партияси, Дания Коммунистик партияси, Германия Коммунистик партияси, Германия Бирлашган социалистик партияси, Финляндия Коммунистик партияси, Франция Коммунистик партияси, Греция Коммунистик партияси, Буюк Британия Коммунистик партияси, Ирландия Коммунистик партияси, Италия Коммунистик партияси, Люксембург Коммунистик партияси, Норвегия Коммунистик партияси, Австрия Коммунистик партияси, Польша Бирлашган ишчи партияси, Португалия Коммунистик партияси, Сан-Марино Коммунистик партияси, Швеция коммунистлари — сўл партияси, Швейцария Меҳнат партияси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Америка Қўшма Штатлари Коммунистик партияси, Испания Коммунистик партияси, Чехословакия Коммунистик партияси, Туркия Коммунистик партияси, Венгрия Социалистик ишчи партияси, Ғарбий Берлин Бирлашган социалистик партияси, Кипр Меҳнаткаш Халқ прогрессив партияси.

ЯНГИ БИНОЛАР

Чирчиқдаги қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати коллективи Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқда. Ишчи ва хизматчилар қутлуғ юбилейни муносиб меҳнат тўёналари билан кутиб олишга ҳаракат қилишяпти. Жумладан яқинда бу ерда янги хил бинолар қуришни ўзлаштиришга киришилди.

Янги сериядаги бинолар аввалгиларидан квартираларининг 30 сантиметр баландлиги, хоналарининг кенглиги, ошхоналарнинг бир ярим баравар катталиги билан фарқ қилади. Бундан ташқари, бинолар нинг пештоқлари рангли керамика плиталари билан безатилади.

— Янги турар-жой бинолари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига ўзлаштириш мажбуриятини олганмиз,— дейди уйсозлик цехининг бошлиги М. Раҳматов.— Ваъдага вафо қилиш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз. Октябрь юбилейини юзлаб ҳамшаҳарларимиз янги уйларда кутиб оладилар.

А. ПОРТНОЙ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ҲАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 9 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан бери.

Калинин	0,8	101,5
Пискент	2,5	100,4
Оржоникидзе	4,6	100,4
Оҳангарон	—	91,0
Бекобод	0,9	89,9
Тошкент	0,4	88,0
Бўка	1,0	85,7
Оққўрғон	0,2	85,4
Қуйи Чирчиқ	—	84,8
Чиноз	—	84,5
Юқори Чирчиқ	0,5	83,3
Ўрта Чирчиқ	0,8	82,3
Янгийўл	0,6	75,5
Бўстонлиқ	0,8	72,1
Область бўйича:	0,8	88,7

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

Олмалиқ гилам фабрикасининг иккинчи навбати ҳам ишга тушди. Натижада бу ерда гилам палослардан ташқари йўлакларга солинадиган гиламлар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Суратда: ана шундай гиламлар ишлаб чиқарадиган участкада.

Г. Пуя ва И. Чернов фотоси. (ЎзТАГ).

ХУШХАБАРЛАР

БИР СМЕНАДА УЧ НОРМА

«Средазтрансстрой» трестининг В. Мартиросян ва В. Куленко бошлиқ монтажчилар бригадалари ўзига хос рекорд қўйдилар. Улар Сирдарё шаҳрида рефрижератор вагонларни ремонт қиладиган депо қурилишида турли мосламалардан ва ишнинг илғор усулларидан моҳирлик билан фойдаланиб, кундалик смена топшириқларини уч баравар ошириб бажаришга эришдилар.

Бу депо — Ўрта Осиё темир йўлида ана шундай типдаги бирдан-бир корхонадир. Унинг биринчи навбати қурилиб битай деб қолди. Депонинг фойдаланишга топширилиши билан бу ерда ҳар йили 250 та беш вагонли секцияни ва яна шунча алоҳида рефрижераторни ремонт қилиш имконияти туғилади.

ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАМОҚДАЛАР

Янгийўлдаги ёғ комбинатининг коллективи ўз соцмажбуриятларини бандларидан бирини бажарди. Корхона ишчилари Назарали Ниёзов номли ва Калинин номли колхозларда 300 тонна ҳашак тайёрладилар. Пойафзал фабрикасининг меҳнатчилари ҳам ана шундай меҳнат ғалабасига эришдилар. Улар ўз машина-механизмларидан фойдаланиб, отлиқдарлари ҳўжаликларда 375 тонна сенаж тайёрладилар.

ИИГИРМА МАРТА ТЕЗРОҚ

Тошкентдаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг инженерлари «Ростсельмаш» заводининг буюртмасини муддатидан илгари бажардилар. Улар «Нева» ва «Колос» комбайнлари вентиляторининг дастасини тайёрлайдиган қурилма яратдилар.


Илгари бу даста резинадан тайёрланар эди. Энди резина қопламанинг ўрнини пластмасса қоплама эгаллади. Илгари дастани тайёрлашга 8 минут вақт кетар эди, эндиликда бутун технологий жараёни атиги 23 секунддан ошмайди. Янгиликни жорий этишдан йилига 95 минг сўм иқтисодий самара олинади.

(ЎзТАГ).



Шу кунларда консерва заводида томат тайёрлаш ишлари қизғин бормоқда. Ғазалкентдаги корхонанинг бу маҳсулоти давлат Сифат белгисини олганига анча йил бўлди. Суратда: илғор ишчи Фотима Юнусова иш устида.

И. Портнов фотоси.



ТЕМАТИК КЕЧАЛАР

Тельман номли Тошкент маданият ва истироҳат боғининг ҳаётбахш шароитлари СССР янги Конституцияси лойиҳаси тўғрисида ҳикоя қилувчи стендлар билан безатилди. Паркда бутун оммавий сиёсий ишлар ана шу муҳим ҳужжатни пропаганда қилишга қаратилган. Бу ерда лекторий очилган. Асосий қонуннинг айрим бўлимларига бағишлаб тематик кечалар ўтказилмоқда. Ёшларнинг ишлаб чиқариш ветеранлари билан учрашуви қизиқарли ўтди. Учрашув иштирокчилари Октябрь революциясининг буюк ғалабалари тўғрисида нафтиҳор билан гапиришдилар, совет кишиларининг меҳнат қилиш ҳуқуқи ана шу ғалабаларнинг биридир.

Тошкентдаги бошқа боғлар ҳам СССР Конституцияси лойиҳасини пропаганда қилиш соҳасида ташаббус кўрсатмоқда. Комсомол 40 йиллиги номли янги Чилонзор паркида «Бизнинг қудратимиз — халқларнинг ленинча дўстлигида» деган шиор асосида тематик кеча ўтказилди. Бу кечада Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига қадар Тошкент метросининг биринчи навбатини ишга туширишда ўзбекистонлик ҳамкасбларига кўмаклашаётган Москва ва мамлакатимиздаги бошқа шаҳарлардан келган метросозлар коллективлари вакиллари фахрий меҳмон бўлишди. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида навбатдаги кеча халқларнинг ленинча дўстлиги тантанасига бағишланди. Бу маданий-оқартув муассасасининг ходимлари Янгийўл паркига оталиқ қилишни ўз зиммаларига олиб, СССР Конституцияси лойиҳаси пропагандасини кенг авж олдиришда коллективга ёрдамлашмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ИШЧИ СУЛОЛАСИ

БАХТНОМА ОИЛА ТАҚДИРИДА

Ҳар кун тонг пайти пойтахтдаги лак-бўёқ заводи дарвозаси олди сменага шошилаётган ишчилар билан гавжумлашиб кетади. Улар орасида бир группа кишилар ҳам борки, ўзаро самимий ҳайрлашиб ажралишади. Сочларига оқ оралаган барваста киши ўнгдаги завком кабинетига, ёшлар эса завод ичкарисига йўл олишади. Ҳар куни шундай...

Булар — Раҳматуллаевлар сулоласи, бир оиланинг бир заводда ишлаётган бахтиёр, номи эл оғзига тушган ўғил-қизлари. Улар ҳар куни заводга бирга келишади, аммо ҳар хил вақтда қайтишади. Чунки, вазифалари турлича. Қолаверса, завод шарафи учун курашишдек улуғ мақсад йўлида ҳеч бири вақт билан ҳисоблашмайди. Бу корхона улар учун қадрдон масканга айланган: улар шу ерда касб ўрганишган, обрў орттиришган, бахтларини ҳам шу даргоҳда топишган. Бу сулола вакиллари ҳозир заводнинг энг таниқли кишилари, уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида мақтаниш билан гапиришади...

Оила бошлиғи Абдусаттор ака нинг ўзи бундан 32 йил муқаддам Улуғ Ватан урушидан қайтган, шу ерга ишга келганди. Жангларда тобланган, кўксини Қизил Юлдуз ордени ва медаллар безаган ёш коммунист шу корхонада ишлашга аҳд қилди. Халқимиз уруш жароҳатларини тезроқ тугатмоқ ниятида фидокорлик билан ишга киришган пайт. Республикада ҳам қурилиш ишлари кўлами кенгая бошлади. Халқ хўжалиги талабларини қондириш учун лак-бўёқ ишлаб чиқарувчи корхона қурилишига киришилди. Абдусаттор ака корхона қурилишида ҳам, унинг дастлабки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ҳам, кейинчалик эса шу тармоқда ишлаш учун ёшлардан малакали кадрлар тайёрлашда ҳам актив қатнашди, ўз меҳнатини аямади.

Абдусаттор аканинг қадрдон корхонасига, касбига бўлган муҳаббати фарзандлари қалбида ҳам ҳавас уйғотди. Аввало, турмуш ўртоғи Санталат шу ерга ишга келди. Аста-секин аппаратчилик касбини эгаллади. Илғорлар сафига кўтарилди, мукофотларга сазовор бўлди. Санталат ола ҳозир пенсияга чиққан бўлишига қарамай кадрдон коллективини тарк этгани йўқ. Унинг тўрт фарзанди ҳам заводда бирга ишлаяпти.

— Давримизнинг шарофати, давлатимизнинг ғамхўрлиги туфайли биз ҳаммамиз шу ерда яхши ишлаб келаяпмиз, — деди у кувонч билан. — Катта қизим Зумрадхон университетнинг химия факультетини тамомлаб заводнинг марказий лабораториясида инженер бўлиб ишлаяпти, Кичиги Зиравот ҳам шу ерда лаборант. Давлатимизга, партиямизга раҳмат, болаларимизнинг ҳам ишлаб, ҳам ўқишлари учун имконият яратиб беришаётибди. Бу ҳуқуқларни янги Конституция лойиҳасида янада кенгайтиришибди. Буни биз чин дилдан маъқуллаймиз. Қизларимни айтдим, яна Яқинда у Тошкент шаҳар советига депутат қилиб сайланди.

— Заводда ишлаётганимга икки йил бўлди, — деди бизга у. — Бизнинг асосий вазифамиз корхонадаги барча контроль-ўлчов асбоб-ускуналарини доимий яхши ишлаб туришини таъминлашдир. Чунки, бу беш йилликда маҳсулотлар сифатини кескин яхшилашга катта талаблар қўйилмоқда. Бизда эса сифат учун кураш мана шу контроль-ўлчов ускуналарини нуқсонсиз ишлатишдан бошланади. Мен устозим Александр Кулагин ва бригадамиздаги илғорлар — Сергей Димов, Саша Тимофеевлар билан ҳамкорликда ишлаб, шу вазифаларни намуналы бажаришга ҳаракат қиламан.

Раҳматуллаевлар оиласи ўз ҳаётини бутун коллектив манфаати, корхона шуҳрати, эл ташвиши билан боғлаганлар. Улар халққа хизмат қилишни шараф деб биладилар.

Оила бошлиғи Абдусаттор Раҳматуллаев ҳозир завод касаба союз комитетига раҳбарлик қилмоқда. У шундай деди: — ҳозир бизлар, фарзандларим, бутун коллективимиз кўтарини кайфият билан ишламоқдамиз. СССР янги Конституциясининг лойиҳаси билан ҳар биримиз чуқур таниши, уни қизғин муҳокама қилмоқдамиз. Менинг меҳнат фаолиятимнинг 30 йили арафасида Конституция ўз кучида бўлган даврга тўғри келади. Бу даврда корхонамизда катта ўзгаришлар бўлганини биринчи сўз билан тасвирлаш қийин. Ун йилларда корхонамиз замонавий техника билан жиҳозланди. Бу ерда янгидан ишчилар авлодлари тарбияланиб етишди. Ўғил-қизларим ҳам малакаларини оширишди, ишчидан инженер даражасига кўтарилишди. Буларнинг ҳаммаси мана шу Конституция белгилаб берган ҳақ-ҳуқуқлардан тўла фойдаланиш шарофати туфайлидир.

Конституция ҳақида гапирар эканмиз, мен баъзи мулоҳазаларни ўртага ташламоқчи эдим. Бизнинг жамиятимизда, давлатимизнинг белгилаган улуғвор планларини амалга оширишда меҳнаткашларимиз ташаббускорлигининг манбаи — социалистик мусобақа кенгалиқ муҳим роль ўйнаётганлиги ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳам янги Конституцияда **социалистик мусобақанинг халқ хўжалигини ривожлантиришдаги роли, мусобақа қатнашчилари давлат томонидан рағбатлантирилиши алоҳида моддада таъкидлаб ўтилса**, деган фикрда эдим. Бу, албатта, мусобақани янада кенг оммалашиши, унинг самарадорлигини оширишга катта таъсир қилган бўлур эди.

Мана биз, ўз фаолиятимизда мусобақа самараларини яхшол кўриб турибмиз. Мусобақанинг янги формаларидан фойдаланиш, ғолибларнинг мунтазам рағбатлантирилиб борилиши яхши натижа бермоқда. Узоққа бормайлик, заводимизда ярим йиллик план ошириб бажарилиб, планга қўшимча 550 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бўёқларимиз сифати эса янада яхшиланди. Биз кучи имкониятларимиз, коллективимизнинг устойдил интилишини ҳисобга олиб, янада юксак марраларни белгилаганмиз. Шу беш йилликда корхонани сўнгги фан-техника ютуқлари асосида реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Шундан сўнг беш йиллик охирида меҳнат унумдорлиги 12 процентга ошади! Маҳсулот ишлаб чиқариш эса йилига 55 миллион сўмликка етказилади. Реконструкция тугагач, лак ишлаб чиқариш 40 процент ортади. Шунда биз йилига 63 минг тонна лак, 20 минг тоннага яқин эмаль, ўн минг тонна сув эмульсияли бўёқ ишлаб чиқарамиз.

Мен бошқаётган касаба союз ташкилоти шу марралар учун курашаётган мусобақа қатнашчилари учун қулай шарт-шароитлар яратишга катта эътибор бермоқда. Улар учун завод ҳузурида профилакторий очилган. Илғор ишчиларимиз Иттифоқимиз ва республикадаги энг яхши оромгоҳларда саломатлигини мустаҳкамлаб келишмоқда. Масалан, шу йилнинг ўтган даврида 100 га яқин ишчиларимиз дам олиш уйларида бўлишди.

Бизнинг оиламизнинг турмуш шароити ҳам жуда яхши. Фарзандларимиз ўқиш ва ишдан бўш пайтларида спорт ва санъат билан шуғулланишади. Хуллас, улар совет Конституцияси белгилаб берган барча ҳуқуқлардан фойдаланиб, мамнун ва фаровон яшашмоқда, социалистик Ватанимиз қудратини янада оширишга ҳисса қўшмоқда. Мен ўз иқболимиз, фарзандларимиз тақдири ва оиламиз камолотидан бениҳоя мамнунман...

М. МУРОДОВ.

ИЖОДИЙ ЧАШМА

САНОАТ корхоналарида, колхоз ва совхозларда, олий ўқув юртларида ва мактабларда ишлаб турган бадиий ҳаваскорлик коллективлари учун чинакам ижодий имтиҳон бошланди. ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Маданият министрлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим министрлиги, СССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитети қарори билан ўтказилаётган меҳнаткашлар халқ бадиий ижодкорлиги биринчи Бутуниттифоқ фестивалининг якунловчи босқичи ғолибларини Москвага чорлади.

Областимиздаги талайгина бадиий ҳаваскорлик коллективлари ,чолғучи ва яккахон ижрочилар ҳам Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейига бағишланган бу кўрикнинг уч босқичидан муваффақиятли ўтдилар. Улар ҳал қилувчи давондан ўтиш имтиҳонига пухта тайёргарлик кўриб қўйишган.

Фестивалга тайёргарлик кўриш жараёнида янги-янги коллективлар пайдо бўлди. Ахир, санъат тўзаллигининг ўз меҳри-гиёси бор. Шу нафосат туйғуси истеъдодларга қанот бағишлаб, уларни янги парвозларга чорлайди.

Бундай имкониятга эришиш учун эшиклар кенг очиқ. Истеъдоднинг камол топиши ҳуқуқи СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасида ҳам ўз аксини топди. Бахт қомусининг 27-моддасида эътибор қилинг-а! «Давлат жамиятнинг маънавий бойликларини кўриқлаш ва кўпайтириш ҳақида, улардан совет кишиларининг маданий савиясини ошириш учун кенг фойдаланиш тўғрисида ғамхўрлик қилади, —дейилади ушбу моддада.—СССРда профессионал санъатни ва халқ бадиий ижодкорлигини ривожлантириш ҳар жиҳатдан рағбатдантирилади».

Мана бир мисол. «Электрохимпром» бирлашмаси маданият саройида бўлган киши талантларга катта эътибор берилаётганлигини ўз кўзи билан кўради. Бу ерда 40 та бадиий ҳаваскорлик коллективи бор. Уларга ишчи ва хизматчилардан деярли минг киши аъзо. Мазкур коллективлардан бештаси халқ театри деган номга эга.

Ҳудди шундай, Бутуниттифоқ фестивали давомида Тошкент электрон техника заводида, тўқимачилик комбинатида, трактор заводида, Бекободдаги цемент комбинатида, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида, Тошкент политехника ва қишлоқ хўжалиги институтларида ҳам истеъдодлар сафи кенгайди. Ҳаваскорлик оммавий тус олди. Ижрочилик маҳорати ошди. Концерт номерлари ранг-баранг ва қизиқарли бўлиб қолди.

Шунинг учун ҳам кўплаб коллективлар фестивалнинг уч босқичидан муваффақиятли ўтдилар. Областимиздан 32 коллектив фестиваль лауреати дипломини қўлга киритди. Халқ театри деган ном эгалари яна 15 тага кўпайди.

Бу ғолиб бадиий ҳаваскорлар ва яккахон ижрочилар Москва, Иваново областларида, Бошқирдистонда ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Тошкент тўқимачилар маданият саройининг ўзбек рақс ансамбли эса Венгрияга VI халқаро рақсосалар фестивалига жўнаб кетди.

Меҳнаткашлар халқ бадиий ижодкорлиги коллективларининг қишлоқ маданият ўчоқларига оталиқ ёрдами кучайди. Ўз ижрочилик маҳорати билан кенг танилган «Коммунальник» шаҳар клуби бу хайрли ишда ҳам намуна бўлди. Бу соҳадаги фаолияти учун яқинда у Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги билан Ўзбекистон Касаба Союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Пискент районн пахтакорларига яхши маданий хизмат кўрсатгани учун Тошкентдаги Тельман номли маданият ва истироҳат боғи СССР Маданият министрлиги ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

Бу ютуқлар ёш ва умидли санъат ғунчаларини тарбиялаш, уларнинг истеъдод ва талантларини камол топтириш йўлида яхши самараларга эришилаётганини кўрсатиб турибди. **Халқ бадиий ижодкорлигини ривожлантиришга, уларнинг ғоявий-бадиий савиясини кўтаришга, репертуарларни замонавий асарлар билан бойитишга катта аҳамият бераётганлиги ижодий чашмаларнинг янада жўш уришини таъминлайди. Бунда атоқли санъаткорларнинг оталиқ ёрдамлари муҳим ўрин тутади. Шу сабабли ҳаваскорлик коллективларининг бадиий раҳбарлари СССР Конституцияси лойиҳасининг 27-моддасидаги «Халқ бадиий ижодкорлигини» деган сўзлардан сўнг «жамоатчилик асосида санъаткорларнинг ёрдамлари билан» сатрларини қўшиб қўйишни таклиф қилишмоқда.**

Бу мулоҳазани ўринли деб ҳисобламоқ лозим. Чунки, ҳаётнинг ўзи ана шуни тақозо этмоқда.

А. АЛИЕВ.

БУЮК ҒАМХЎРЛИК

МАМЛАКАТИМИЗДА билим олиш бепуллиги таъкидланган янги Конституция лойиҳасини ўқиб ўзим меҳнат қилаётган Тошкент Давлат университетининг студентлари учун яратилган кўплаб бошқа имтиёзлар тўғрисида ўйлаб қолдим. Мен ва касбдошларим асосан ётоқхоналарнинг техник ҳолати ва газ аппаратураларининг ишини текширамиз. Кейинги пайтларда бу ётоқхоналарда кўпгина янги қулайликлар вужудга келтирилди. Деярли ҳар бир ётоқхонада намунали жиҳозланган ўқув заллари ва қизил бурчаклар мавжуд. Ҳар бир қаватда алоҳида газ плиталари ўрнатилган. Сўнгги йилларда қуриб фойдаланишга топширилган 86-ётоқхонадаги тартиб айниқса намуна бўлярлидир. Шу сабабли бу ерда истиқомат қилувчи чет эллик ва геология факультетининг студентлари яратилган шароитлардан жуда ҳам мамнунлар. Келажакда бундай қулайликлар бошқа ётоқхоналарда ҳам яратилади.

Партия-ҳукуматимиз ёшларнинг билим олишлари учун ҳамма имкониятларни вужудга келтириш йўлида тинимсиз ғамхўрлик қилмоқда. Бу янги Конституциянинг лойиҳасида ҳам ўз ифодасини топган.

А. ТАРТАУЛОВ, техник.



Тошкент районидаги Навоий номли колхозда қурилган янги дала шийпони ҳўжалик меҳнаткашларининг севимли дам олиш ерига айланган. Бу ерда мароқли ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар яратиб берилган. Суратда: янги дала шийпонининг кўриниши.

А. Авазов ва Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

ТАСС баёноти

Олинган маълумотларга қараганда, ҳозирги вақтда Жанубий Африка Республикаси (ЖАР)да ядро қуролини вужудга келтириш соҳасидаги ишлар тугалланмоқда ва бу қуролни синаб кўриш учун бевосита тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

ЖАР маъмурлари Африка аҳолисига нисбатан ўтказиб келаётган ирқий жабр-зулм ва апартеид сиёсатидан воз кечишни истамай ва кўшни Африка давлатларига қарши агрессия тадбирларини кўриб, Африканинг Жанубида мустамлакачилик-ирқчилик тартибларини тугатиш йўлида муқаррар давом этаётган жараёнини қурол кучи билан тўхтатишга уринмоқда. Шу мақсадда ЖАРда ҳарбий машина такомиллаштирилмоқда. Қуролли кучлар энг замонавий ҳарбий техника, авиация, ракета қуроли, танклар ва хилма-хил артиллерия билан таъминланмоқда.

Бир неча йилдан буён кўп давлатлар, шу жумладан Ғарб давлатларининг матбуотида ЖАРда ядро қуролини ишлаб чиқариш учун тегишли илмий-техника базасини вужудга келтириш соҳасида олиб борилаётган ишларга доир хабарлар босилиб чиқди. ЖАР ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани имзоламади. Ваҳоланки 100 дан ортиқ давлат бу шартномага имзо чеккан эди. БМТнинг қуролланиш соҳасида ЖАРга ёрдам беришни таъқиқловчи маълум қарорлари бўлишига қарамай, ЖАР ҳарбий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва замонавий қурол-яроғларни сотиб олишда Ғарбнинг НАТОга аъзо бўлган баъзи давлатларига, шунингдек Исроилга таянмоқда.

Претория ирқчи режими қўлида ядро қуролининг пайдо бўлиши Африка давлатларининг осойишталигини бевосита хавф остида қолдиргани бўлур эди. Африканинг жанубида беқарорлик ва кескинликни ғоят кучайтириб, бутун инсоният учун ядро хавфини авж олдирган бўлур эди. Баъзи давлатлар қўллаб-қувватлаётган ЖАР маъмурларининг ядро қуролига эга бўлиш йўлидаги ҳатти-ҳаракатлари кўпгина мамлакатлар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг планета бўйлаб ядро қуроли тарқалиши хавфининг олдини олиш мақсадида зўр ғайрат билан қилаётган ишларига зиддир. Бундай ҳатти-ҳаракатлар Африка мамлакатларининг Африка қитъасини ядродан ҳоли зонага айлантириш ҳақида илгари сурган ва БМТ қарорларида ўз ифодасини топган талабига тамомила хилофдир. ЖАР ядро қуролини вужудга келтириш йўлига ўтиш билан барча халқларга дағдаға қилаяпти.

ТАСС қуйидагиларни айтиш ваколатини олган. ЖАРда ядро қуролининг вужудга келтирилиши халқаро тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун ғоят таҳликали ва жуда оғир оқибатларга олиб келган бўлур эди.

Совет Иттифоқининг раҳбар доиралари ЖАРда ядро қуролининг вужудга келтирилишига йўл қўймаслик, бу қуролни тарқатиш хавфининг олдини олиш учун барча давлатларнинг, бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, шунингдек халқаро жамоатчиликнинг дарҳол амалий тадбирларни кўришлари, талаб этилади, деб ҳисобламоқдалар. Ядро уруши хавфининг олдини олиш йўлида изчил ва қатъий ҳаракат қилиб келаётган Совет Иттифоқи бошқа давлатлар билан биргаликда бу мақсадга эришиш учун бутун чоралар билан кўмаклашишга тайёрдир.

Пахтакорлар меҳмони

Максим Горький номидаги Фарғона область ўзбек драма ва комедия театрининг коллективи пойтахтимизда ўтган гастроли давомида Қуйи Чирчиқ районн пахтакорлари ҳузурида бўлиб, мезбонларга ўз санъатларини намойиш этишди.

Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Аҳмедов, Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист Е. Хатамова, артистлар И. Усмонов, Х. Хожибабиева, З. Юсуповлар ижро этган, куй ва қўшиқлар томошабинларга манзур бўлди.

С. МУСТАФОЕВ.



«Ўзбексельмаш» заводининг илғор ишчиси М. Содиқов кунлик топшириқларни мунтазам ошириб бажармоқда. Бу йигувчи слесарь шахсий беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган.

М. Нуриддинов фотоси.

ЭЛОМОН ТАҚДИРИ

Чингиз Айтматов Олмаотада ўтган «Литературная газета» ва Қозоғистон ёзувчилари союзининг давра суҳбатида А. Нурпеисовнинг «Қон ва тер» трилогиясидаги Эломон образини М. Авезовнинг Абай, М. Шолоховнинг Г. Мелехов каби қаҳрамонлари қаторида тилга олади. Чингиз ҳам таниқли қозоқ адиби Абдужалил Нурпеисовнинг «Қон ва тер» трилогияси ўқувчиларнинг диққатини тортди, кўпмиллатли совет адабиётининг энг яхши асарларидан бири сифатида СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Ана шу трилогиянинг биринчи китоби! яқинда Лола Тожиева таржимасида ўзбек тилида нашр этилди. Асарни диққат билан ўқиган китобхон таржимон анча меҳнат қилганини, муваффақиятга эришганини сезади. Бадиий таржима санъатининг талабларидан бири таржима қилинаётган асарнинг руҳини бериш, асарнинг услубини сақлаб қолишдир. Оригиналнинг жозиба, образли ифодалар, персонажлар тилининг индивидуаллиги таржимада акс этиши топмоғи шарт. Бусиз ҳар қандай бадиий таржима мукаммал бўлмайди. «Зулмат» таржимони Л. Тожиева, бизнингча, таржима санъатининг ана шу талабларига риоя қилган, уларни асосан муваффақиятли бажара олган. Романни ўқиган киши Октябрь инқилоби арафасидаги қозоқ балиқчиларининг ҳаётини тўла тасаввур қилади. Ўша пайтдаги синфий кураш, зулм-истибдод асарда жонли, таъсирли лавҳаларда тасвирланган. Орол балиқчиларининг оғир, гоят машаққатли меҳнати, азоб-уқубатлари тасвирланган сахифаларнинг локайдлик билан ўқиб бўлмайди. Қаҳратон қишнинг изғиринларига бардош бериб, музларни ёриб балиқ овлаши, денгизда адашиб кетишлари ўқувчи қалбини лаҳзага қолади. Бироқ шундай машаққатли меҳнатнинг самараси ўзларига насиб этмаслиги ўша жафокаш балиқчилар билан бирга китобхонга ҳам алам қилади. Таржимон романдаги ана шу таъсир қудратини сақлай олган.

Асар қаҳрамонларининг характери, психологияси ёркин очиб берилган. Шуниси муҳимки, уларнинг бирғина сўзи, ёки ҳаракати орқали ким ва қандай одамлиги билинади-қолади. Эломон билан укаси Райни қамоққа олиб кетишаётганда йўлда бир кампирникига киришади. Кампирга бу ака-ука одам ўлдирган, шунинг учун қамоққа олинди дейишади. Оловда исиниб, сал ўзига келган Эломондан исмини, қайси уруғдан эканини сўрайди кампир. Сўнгра: Эломон билан Райга зимдан разм солди.

— Мана булар сизларни одам ўлдирган, дейишяпти. Шу гап ростми?

Эломоннинг совуқ урган юзи яна кесакка айланди.

— Мен балиқчиман,— деди у истамайгина,— Балиқ билан яшадим, балиқ билан кун кўрдим. Бизни эса кўра-била туриб ўлимга ҳайдашарди. Кунда-кунда ўлгандан кўра, битта золимни ўлдириб, бир йўла ўлган яхшироқмасми? Гап шундай, муҳтарам ота!»

Эломоннинг бу гапини эшитган кампир ўғли Тилевга қўй сўйишни буюради. Эломонга эса ким ҳақ, ким ноҳақлигини мен билмайман. Аммо бояги гапингга қўшиламан: кунда-кунда ўлгандан кўра, бир марта ўлган афзалроқ, дейди. Кампирнинг мана шу гаплари, ҳаракатидан қандай одамлигини билиб олиш қийин эмас. Чўрткесар, данғал, маълум даражада қўполроқ, аммо мард хотин у. Автор буни ортиқча изоҳлаб ўтирмайди. Унинг гаплари, ҳатти-ҳаракатлари шуни ифода қилади.

Романда Эломоннинг қалб кечинмалари, хотини Оқболанинг изтироблари, ёлғиз ўғилчаси билан кечалари қўрқиб, вахимага тушиб қолишлари, Каленнинг бошидан ўтган савдолар, отга судратганлари тасвирланган сахифалар ёзувчи маҳоратини яққол кўрсатиб турипти. Бундай ёркин сахифалар ўзбекчага қилинган таржимада ҳам ўз тароватини йўқотмаган.

Трилогиянинг биринчи китоби революциядан олдинги зулмат ҳақида бўлгани учун қозоқ балиқчиларининг аянчли тақдири тасвирланади. Бу тасвирлар китобхон қалбида ачиниш ҳиссини уйғотади. Аммо ана шу ачиниш, яъни оғир тасвирлар, зулмат қаърини бир нур ёритиб туради, ўқувчи дилига таскин беради. Бу нур —Орол балиқчиларининг адолатга, эркка ташналиги, аниқроғи интилиши, зулмга, азоб-уқубатларга қарши бош кўтариши. Ушбу курашнинг учқунлари сифатида Эломоннинг ўз ҳўжайинини уриб ўлдириш деталини кўрсатиш мумкин. Мана шу ўтсак фойдадан холи бўлмас.

Бу нуқсонлар юзаки қараганда унчалик билинмайди. Лекин синчиклаб ўқилса, яхши ишга хира бўлсада, соя ташлаб тургани сезилади. Эътибор беринг: «тим қоракурланг булутлар» (68-бет). Ахир булут тим қорами, ёки кул рангми? Бу ўринда сифатлашда аниқлик йўқолган. «Қоринлари очиб кетганида» қоринлари қулдирарди» (27-бет). Озгина таҳрир билан тузалиши мумкин бўлган жумла. Ҳолбуки, ҳозирги ҳолатда ўқувчининг ғашига тегади. Энди бу жумлага қаранг: «Олдинда ғоздек лапанглаб Алдаберган сўфи» (149-бет). Гап тугамади-ку ахир! «Лаблари кўм-кўк кўкариб кетган» (68-бет). «Лаблари кўкариб кетган» дейишнинг ўзиёқ ўша одамнинг ҳолатини бера олади. Шундай бўлгач, «кўм-кўк» сўзига нима ҳожат бор? Шунингдек, «лаблари қуруқлашиб», «варақ-варақ терлади» (226-бет) каби иборалар ҳам муваффақиятли чиқмаган. Шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтишни лозим деб ўйлаймиз. «Зулмат»да ҳам ва бошқа қатор асарларда бир кичик қусур учрайди. Кўпгина сўзлар Тошкент шевасида ишлатилади. Масалан, юринглар-юрларинг, турингларинг, келинглар-келларинг ва ҳоказо. Асар қаҳрамони тошкентлик бўлса-ку майлия, аммо қозоқлар ҳам Тошкент шевасида гапирса қандай бўларкин. «Зулмат» персонажлари ҳам кўп ҳолларда шу тартибда гапирадилар. Бу жузъий нарса, бироқ асар воқеаси тасвирланаётган географик жой, халқ қолаверса миллий колоритга салбий таъсир қилади.

Умуман айтганда, атоқли қозоқ адиби А. Нурпеисов трилогиясининг ўзбек тилига таржима қилиниши ижобий ҳодиса. Бу кишиларимиз маънавий хазинасини бойитишда, адабиётларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Лола Тожиева асарнинг кейинги жилдларини ағдаришда биринчи томда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этади деб ўйлаймиз.

М. ҲАЗРАТҚУЛОВ.

ТАҚРИЗ

НУҚСОНЛАР ТУЗАТИЛАДИ

Бригадамиз сабзавоткорлари юбилей йилининг бошида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига нишонланадиган кунгача сабзавот маҳсулотлари етиштириш уч йиллик планини тўла бажариб, гектар бошига олинадиган ҳосилдорликни 400 центнерга етказиш, ҳар гектар ердан 200 центнердан картошка етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Бироқ, дастлабки якунлар шуни кўрсатмоқдаки, юксак мажбуриятимизни сўзсиз бажариш учун ишимизни тубдан яхшилашимиз зарур.

Юбилей йилининг биринчи ярми ортда қолди. Ҳозир қилинган ишларга якун ясаб, мажбуриятимизни қандай бажараётганлигимизни чамалаб кўриш имкониятига эгамиз. Ярим йилликда 81 минг 160 центнер сабзавот сотишни планлаштирган эдик. Амалда эса 57 минг 132 центнер сабзавот маҳсулотлари етиштирилди, холос.

Сир эмас, ўтган ярим йилликда бригада аъзолари ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдириш, умуман улар меҳнатини уюштириш борасида бир қатор камчиликларга йўл қўйилди. Бундан ташқари, экинлар қулай муддатларда яхши ишлов берилган ерларга экилмади. Кўчатларнинг нормал қалинликда бўлишига жиддий эътибор берилмади. График тузиб қўйилган бўлса-да, унинг сўзсиз бажарилиши устидан назорат ўрнатилмади. Аъзолар ўртасида меҳнат интизоми сусайиб, уларнинг ҳаммаси ҳам дала ишларида фаол қатнашмадилар. Айрим кишилар ўзларининг шахсий томорқаларида кўпроқ банд бўлиб қолдилар.

Айниқса, картошка етиштиришда агротехника қоидалари кўп марта бузилди. Натижада 15 гектар ерга экилган картошкадан пландаги 143 центнер ўрнига 93 центнердан ҳосил олдик. Зиммага олган мажбуриятимиз уёқда турсин, ҳатто давлат планини ҳам бажара олмадик.

Барча жабҳаларда юбилей шарафига фидокорона меҳнат жўшураётган бир пайтда бизнинг ярим йилликда бундай орқага кетишимиз ҳаммамизни ташвишга солиши табиий эди. Шунинг учун ҳам биз ярим йиллик якунидан сўнг йиғилиш ўтказиб, ишимизда йўл қўйилган барча камчиликларни тезроқ тузатиш, бой берилган имкониятлар ўрнини тўлдириш режаларини тузиб олдик.

Ишчи кучлари ва техника воситалари анча кўпайтирилди. Сувдан, ўғитдан оқилона фойдаланаяпмиз.

Эртанги экинлардан бўшаган ерлар ўғитланиб, чуқур шудгор қилинди.

Экинларни суғоришда катта тажрибага эга бўлган сувчиларимиз бошчилик қилишяпти. Қайта тузилган иш графигининг тўлиқ бажарилишига эришмоқдамиз.

Бригадамиз аъзолари маҳсулот етиштириш ва давлатга топшириқни бутун чоралар билан кўпайтириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги кунигача камида 46 минг 460 центнер карам, 550 центнер помидор ва бошқа маҳсулотлар сотиб, зиммамизга олган мажбуриятимизни сўзсиз бажарамиз.

Ислом БАҲРОМОВ,
Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозининг сабзавотчилик бригадаси бошлиғи.

КАНОПГА ЎРОҚ ТУШДИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Охунбобоев номли колхозда ғўза парваришини кучайтириш, термига ҳар тарафлама тайёргарлик кўриш ишлари намунали олиб борилмоқда. Колхозчилар ҳосил етилиб пишганга қадар ҳар бир туп ғўзада камида 13—14 тадан етилган кўсак бўлишига эришишга аҳд қилишди.

Лубкорлар ҳам ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, канал ўришни кучайтириб юборадилар. Улар бу соҳада ўтган йили эришилган ютуқларини мустаҳкамламоқдалар. Ҳар бир лубкор канал ўришда актив қатнашаётир. Худойберди Дадашов бошлиқ бригаданинг лубкорлари техникадан моҳирлик билан фойдаланиб, иш унумини оширмоқдалар.

— Бу йил,— дейди бригада бошлиғи 31 гектар майдондаги канал кўчатларини меҳр билан парваришламоқдамиз. Ҳар бир агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли ўтказилиши туфайли 2,5—3 метргача кўчат бўй чўзди. Биз барча имкониятларни ҳисоблаб чиқиб 200 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олдик.

Бригадада «ЛС» агрегатидан кенг фойдаланилаётганлиги туфайли кундалик график ортиғи билан адо этилмоқда.

Ж. ҚУРБОНБЕКОВ,

А. Нурпеисов, «Зулмат», Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1976 й.

ПОЛИЗЛАР САҲОВАТИ

Ўзбекистон деҳқонлари давлатга ярим миллион тонна сабзавот сотдилар. Бу — ўтган йили шу кунга қадар сотилганидан анча кўп. Ихтисослаштирилган колхозлар ва совхозларнинг кўпчилиги тўпланган Тошкент, Самарқанд, Фарғона областларининг сабзавоткорлари сабзавотни юксак суръатлар билан йиғиштириб олмоқдалар.

Кўпгина хўжаликларда бу йил карам кўчатлари қалин қилдирилди. Помидор кўчатлари ҳам ҳар гектар майдонда 50—60 минг туп қилдириб парваришланди. Бу — экинзорлардан мўл ҳосил олиш имконини берди. Аҳоли орасида харидоргир помидорнинг ўртапишар навларини етиштириш анча кўпайди.

Калинин, Тошкент, Оржоникидзе, Самарқанд ва бошқа районлардаги ихтисослаштирилган совхозларда «витаминли маҳсулот»ни алоҳида парваришланган бригадалар тузилган. Бу эса савдо шохобчаларига ва консерва заводларига жўнатиладиган сабзавотларнинг сифатини яхшилаш имконини берди.

Ўзбекистондаги кўпгина хўжаликлар юбилей йилида давлатга сабзавот сотиш икки йиллик планини бажаришга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).



Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз сабзавоткорлари юбилей йили мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Айниқса, Ҳикмат Эргашев бошлиқ бригада коллективи шу кунгача 500 тоннадан зиёд сабзавот маҳсулотлари топшириб, юбилей олди социалистик мусобақасида пешқадамлик қилаётир. Бригада аъзолари Зеби Қурбонова ва Ғулпи Тойлибоевалар куплик иш нормасини икки ҳиссадан ошириб бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.

И. Портнов фотоси.

ЭРОННИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ТЕҲРОН, 8 август. (ТАСС). Эрон Бош министри А. А. Ҳувайдо истеъфога чиқди. Янги тузилган министрлар кабинетига Ж. Омузгар бошлиқ этиб тайинланди. У ҳукуматнинг биринчи мажлисидан кейин сўзлаган нутқида мамлакатда нарх-навонинг ўсишига ва электр энергиянинг етишмаслигига қарши курашни Эрон янги ҳукуматининг бош вазифаси бўлиб қолади, деди. Ж. Омузгар 1953 йилдан бери доимо мамлакат ҳукумати составига кириб келган, Эрон миллий уйғониш партиясининг бош секретари қилиб сайланган.

Ташқи ишлар министри А. А. Ҳалатбари, ҳарбий министр генерал Азимий, экономика ва молия министри Х. Ансорий, юстиция министри Ғ. Кианпур янги ҳукуматда асосий лавозимларни сақлаб қолдилар. Н. Исфаҳоний ички ишлар министри лавозимини эгаллади.

Маҳаллий обзорчиларнинг фикрича, янги кабинет составига асосан тажрибали техника тараққиёти тарафдорлари киритилди. Бу эса Эрон шоҳи мамлакат экономикасининг ҳозирги аҳволидан жуда ташвишланаётганлигини билдиради.

С. ВЭНСНИНГ МУЗОКАРАЛАРИ

АММОН, 8 август. (ТАСС). АҚШ давлат секретари С. Вэнс Иордания қироли билан олиб борган музокараларни тамомлади ва Саудия Арабистонига жўнаб кетди.

Агентликнинг хабар беришича, С. Вэнс бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида «ишчи группаси» деб аталган доирада Сурия, Иордания, Миср ва Исроил ташқи ишлар министрларининг келгуси ойда учрашувини ўтказиш тўғрисида Америка билан Миср нинг таклиф киритганлигини деярли рад этди. Айни вақтда у шу мамлакатлар ташқи ишлар министрлари билан «ғайри расмий вазиятда» музокаралар олиб боришга муваффақ бўларман деб ишонч билдирди. Улар сентябрь ойида БМТнинг бўлғусидаги Бош ассамблеяси сессиясига келадилар.

Вэнс ўзининг шу музокараларига тўхталиб, араблар билан Исроил ўртасида сулх шартномасининг характери тўғрисидаги масалада ҳўтилофлар «қисман камайганлигини» уқтириб ўтди. Шу билан бирга у Фаластин масаласида томонлар ўртасидаги келишмовчилик давом этаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Дунё овози
чет эл хабарлари

МАҚСАД — БИРГАЛИКДАГИ ҲАРАКАТЛАРНИ БЕЛГИЛАШ

БОГОТО, 8 август. (ТАСС). Венесуэла, Колумбия, Коста-Рика, Мексика, Панама ва Ямайка давлат ва ҳукумат бошлиқларининг бу ерда ўз ишини тамомлаган икки кунлик учрашувида Панама халқи ва ҳукуматининг АҚШ қўлидаги Панама канали зонасини шу мамлакатга қайтариб берилиши тўғрисидаги талаби қатъиян қўллаб-қувватланди. Улар биргаликда эълон қилинган декларацияда канал тўғрисидаги янги шартноманинг мумкин қадар тезроқ имзоланишини талаб қилдилар. Бундай шартнома Америка қитъасида мустамлакачилик сарқитларини тугатган ва Панаманинг ўз территориясининг бир қисми устидан суверенитетини тиклаган бўлур эди.

Халқаро кофе бозоридаги аҳволни қараб чиқиб, ушбу учрашувнинг иштирокчилари мазкур маҳсулотни экспорт қилувчи мамлакатларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан бир қанча тадбирларни белгиладилар. Халқаро бозорда кофенинг барқарор нархини сақлаб қолиш учун махсус фонд тузишга қарор қилинди.

Давлатлар ва ҳукуматларнинг бошлиқлари ана шу мамлакатлар билан саноати ривожланган капиталистик давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилишга барча ривожланган мамлакатларни даъват қилдилар.

ЖОРЖТАУН, 8 август. (ТАСС). Хом ашё экспорт қилувчи мамлакатларнинг ўнта энг катта халқаро уюшмаларининг бу ерда бўлиб ўтган учрашуви адолатли савдо-иқтисодий муносабатлар учун курашда ривожланаётган мамлакатларнинг куч-ғайратини бирлаштириш йўлида муҳим босқич бўлди.

Хом ашё экспорт қилувчи ривожланган мамлакатлар кенгаши уставининг лойиҳаси ва шу кенгашнинг программаси тузиб чиқилди. Кенгаш музокаралар ва маслаҳатлар ўтказиб туришни, хом ашёнинг ягона нархларини белгилашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу орган келгуси ойда ривожланган мамлакатлар министрлар кенгашида расмий равишда тасдиқланади.

Бу ерда ана шу учрашув хом ашё ишлаб чиқарувчи ривожланган мамлакатлар ўртасида ҳар тарафлама алоқаларни мустаҳкамлашга имкон беради, деб ҳисоблашмоқдалар.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

ФЕРМА ЖОНКУЯРЛАРИ

Охунбобоев номли колхоз илгорлари чорвачиликдан фақат зарар кўрарди. Деҳончиликдан олинадиган даромаднинг бир қисми шу тармоқ келтирган зарарларни қоплашга сарф бўларди. Самарадорлик ва сифат беш йиллиги даврига келиб, чорвачилик соҳасида нескин бурилиш ясалди ва бу тармоқ рентабелли соҳага айлантирилди.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида колхоз сут ва гўшт етиштиришдан 13 минг 184 сўм соф фойда олди. Чорвадорлар ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажардилар.

Юксалиш йўлига ўтиб олган хўжалик чорвадорлари юбилей йилида барча кўрсаткичларни янада мустаҳкамлаш учун кураш олиб бориб, қувончли натижаларга эришмоқдалар. Ўтган ярим йил якуни ҳам бундан далолат бериб турибди. Бўрдоқибоқарлар пландаги 32 тонна ўрнига 37 тонна гўшт топшириб, йиллик планни шараф билан адо этдилар. Давлатга 359 тонна ўрнига 405 тоннадан зиёд юқори сортли сут сотилиб, ярим йиллик мажбурият ортиғи билан бажарилди.

Фермадаги барча иш жараёнлари механизациялаштирилганлиги ҳамда бўрдоқибоқарлар ва соғувчилар ўртасида социалистик мусобақанинг таъсирчан формалари кенг қўлланилаётганлиги ютуқлар омили бўлаётир. Тожи Исмоилова, Адол Ашурова, Фотима Усмонова, Гулсара Исмоилова, Муяссар Эраliева каби кўп йиллик тажрибага эга бўлган моҳир сут соғувчилар мусобақада мунтазам пешқадамлик қилмоқдалар.

Т. Исмоилова юбилей йилида ўзига бириктирилган 20 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4 минг килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилган. Ўтган ярим йил давомида жами 39 минг 341 килограмм сут соғиб олиб, ҳаммасини биринчи сортга топширди. Унинг мусобақадоши Гулсара Исмоилова эса қарамоғидаги 19 бош соғин сигирни меҳр билан парваришлаб, 33 минг 789 килограмм сут соғиб олди.

— КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари ва СССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилиши чорвадорларимизни янги меҳнат зафарларига сари руҳлантириб юборди, — дейди ферма мудири Олим Каримов. — Чунки Асосий қонундаги баён этилган фикрлар ҳаммамизнинг дилимиздаги гаплардир. Шу боисдан чорвадорларимиз ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик тўйи шарафига 415 тонна сут, 125 минг дона тухум ва пландан ташқари 13 тонна гўшт етиштириш учун ўзаро социалистик мусобақа янада кенг қулоч ёймоқда.

Т. СУЛТОНОВ.
Тошкент район.

Ж. НЬЕРЕРЕНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН, 8 август. (ТАСС). АҚШга расмий визит билан борган Танзания президенти Ж. Ньерере Жанубий Африка Республикасининг ирқчи режими билан актив ҳамкорлик қилаётган ғарб ва аввало Америка монополияларининг сиёсатини нескин қоралади.

Танзания президенти «савол ва жавоб» телепрограммасида сўзга чиқиб, мен ғарб мамлакатларининг Жанубий Африка Республикасига капитал солишни кенгайтираётганликлари хусусида ташвиш чекаяпман, деди. Ғарб монополиялари шармандали аппартеид системаси туфайли бойлик орттиришдан ташқари, уни пул билан жадал таъминлаб ҳам турибдилар, деб уқтирди у.


Ж. Ньерере Родезиядаги аҳволга тўхталиб, Зимбабве ватанпарварлари ўз озодлиги учун қуролли кураш олиб бормоқдалар ва актив ҳарбий ҳаракатларгина озодлик дамларини яқинлаштиради, деб таъкидлади.



ТУРКИЯДА озиқ-овқат ва кенг истеъмол молларининг нарх-навоси тобора ортиб боряпти. Бу эса бутун мамлакатда иш ташлаш ҳаракатини авж олдирмоқда. Истамбул ишчилар синфи забастовка ҳаракатининг олдинги сафларида бормоқда. Суратда: Истамбул электротехника саноати корхоналаридан бирининг ишчилари иш ҳақини ошириш ва иш шароитини яхшилашни талаб қилиб, митинг ўтказдилар.

ТАСС фотохроникаси.







Ўрта Осиё регионал гляциология-метереология илмий-тадқиқот институти ходимлари узоқ Тянь-Шаннинг қорли чўққиларида иш олиб бормоқдалар. Абрамов музлигидаги станцияда ҳар уч соатда об-ҳаво маълумотлари эфирга бериб турилади. Суратларда: метереолог А. Зеликсон гелиограф кўрсатган маълумотларни кўздан кечирмоқда; музликнинг энг устки қисми; метереологлар станциясида.

В. Таран фотолари.

БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАР МАСКАНИ

Тошкент медицина институти мамлакатимиздаги энг йирик, Ўрта Осиёда эса энг кекса медицина олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда институтда тўртта факультет, тайёрлов бўлими ҳамда ўқитувчилар малакасини ошириш факультети ишлаб турипти. Бўлажак шифокорлар масканидаги кенг қамровли ўқув-тарбия ишлари профессор ва ўқитувчиларнинг катта бир коллективи зиммасига юкланган. 900 га яқин профессор ва ўқитувчиларимиз, жумладан республика Фанлар академиясининг икки академиги, СССР Медицина Фанлар академиясининг тўрт мухбир — аъзоси, 82 фан доктори ва профессор, 500 га яқин фан кандидатлари, доцентлар ҳар томонлама билимдон, сиёсий етук, ўз ихтисосини яхши эгаллаган кадрлар тайёрлаш йўлида тинмай изланмоқдалар. Улар раҳбарлиги ва иштирокида 80 кафедрада, марказий илмий-тадқиқот лабораториясида, марказий клиника лабораториясида ҳамда иккита проблема лабораториясида катта ва қизиқарли илмий-тадқиқот ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Институтда студентларнинг малакали врач бўлиб етишишлари учун тобора кенг имкониятлар очилмоқда. Талабаларимиз жуда кўп илмий тўгаракларда қатнашиб, тажриба ва клиник тадқиқотларни бажарадилар, турли илмий конференциялар, симпозиумлар ишида ўз ижодий изланишлари билан қатнашадилар. Уларнинг ўқув машғулотларидан ташқари бўш вақтлари сермазмун ўтиши учун ҳам талай тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, институтда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, бичиш-тикиш тўгараклари мавжуд. Қатор қироатхоналар, фундаментал ва студентлар кутубхонаси, бадиий адабиёт кутубхонаси талабаларнинг илм-фан, адабиёт ва санъатнинг ҳамма соҳаларига бўлган қизиқишларини қондирмоқда. Ҳар бир врач жисмонан бақувват бўлиши ҳам лозим. Шуни кўзда тутиб институтда қатор спорт секциялари ташкил этилган.

Ҳозирги вақтда медицина-даволаш муассасаларини хилма-хил замонавий медицина аппаратларисиз таъсаввур қилиш қийин. Институт кафедраларида ҳам, клиникаларида ҳам студентлар ўз устозлари раҳбарлигида медицина ва биология соҳасидаги билимларни эгаллашда, шу соҳалардаги энг мураккаб проблемаларни ҳал қилишда ана шу асбоб-ускуналарни ишлатиб, ўзлаштириб борадилар. Юқори курсларнинг талабалари эса клиникаларда навбатчилик қиладилар, операция хоналарида у ёки бу вазифани бажарадилар, поликлиникаларда беморларни қабул қиладилар.

Чиндан ҳам врачлик касбини эгаллашга жазм қилган ҳар бир ёш йигит-қиз аввало ўзи бу ҳақда яхши ўйлаб кўриши, ота-оналари билан, яқин кишилари ва дўстлари билан маслаҳатлашиши, фақат ўз истакларинигина эмас, балки имкониятларини ҳам ҳисобга олиши зарур. Негаки, медицина олий ўқув юртида ўқиб, яхши врач бўлиб етишиш ва умуман, врачнинг иши ёшлардан ҳар тарафлама атрофлича махсус билимга эга бўлишни, меҳнатсеварликни, қунт билан ишлашни, жисмонан соғлом, мустаҳкам асабли, ширин муомалали, хотиржам характерли бўлишни талаб қилади.

Медицина олий ўқув юртларида ўқиш олти йил муттасил ўрганишни, изланишни, билимларни амалда қўллай билиш малакасини оширишни тақозо этади. Аммо, врачлик касби шундайки, институтни битиргандан кейин ҳам киши ўз устида чидам ва сабот билан ишлаши, медицина фанининг янги-янги ютуқларини муттасил ўзлаштириб бориши лозим. Анатомия залларида, кафедра ва клиникаларда, тажриба лабораторияларида соатлаб давом этадиган машғулотлар ҳам осон иш эмас, студент бўларга ҳамиша тайёр бўлиб туриши лозим. Зотан, врачлик касби кишидан ўзига хос фидойиликни ҳам талаб этади.

Ҳозирги вақтда медицина институтимиз соғлиқни сақлашнинг жуда кўп соҳалари бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаб бермоқда. ТошМИда иккита даволаш факультети бўлиб, уни битириб чиққан врачлар терапевт, хирург, акушер-гинеколог, невропатолог, уролог, онколог, психиатр, фтизиатр, кўз, қулоқ, бурун, томоқ врачлари бўлиб етишишади. Улар яна бир йил давомида интернатурада шуғулланиб, ўз малакаларини такомиллаштирадилар.

Р. М. НУРМУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат медицина институтининг ўқув ишлари бўйича проректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

Ажойиботлар оламида

ОРОЛДАГИ ҚУРИҚХОНА

Ер юзидаги энг катта орол Гренландиядир. У 2 миллион квадрат метрдан ортиқ майдонни эгаллайди. Яқинда Дания ҳукумати ўзига қарашли ана шу улкан оролнинг шимолий ва шарқи-шимолий қисмида миллий парк бунёд этишга қарор қилди. Парк келажакда 650 минг квадрат-километр майдонни эгаллаб, бу ердаги табиий шароит қандай бўлса, шундайлигича муҳофаза қилинади. Шунингдек, оролнинг ҳайвонот дунёси — оқ айиқлар, моржлар, тюленлар ва бошқа ҳайвонлар алоҳида назорат остида бўлади.

«ҚОР ОДАМ» БОРМИ

Австралия территориясидаги Тасмания оролида яшовчи маҳаллий аҳоли сирли «қор одам»ни гўё кўп марталаб кўрганлиги ҳақида маълумотлар берган. Бу маълумотлар ҳақиқатдан ҳам тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириш учун бир группа олимлар «Қор одам»ни шу қитъадан топишга қарор қилдилар. Олимлар бир-бирига ўхшаган хилма-хил маълумотларни йиғиб, уларда кўрсатилган жойларга бориш ниятидалар.

Уларнинг баъзилари бундай демоқдалар: Австралияда кишилар кўрган «қор одам» аслида бундан минг йиллар муқаддам Австралияда яшаган баҳайбат одамсимон маймунларнинг авлоди бўлиши мумкин. Маълумки, бундай маймунларнинг айримлари бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган.

ҒАЛАТИ БАКТЕРИЯЛАР

Токио технология ходимлари батареяларнинг янги хилини ишлаб чиқдилар. Бу батареяларда электр токини... бактериялар ишлаб чиқаради. Ана шу жуда майда организмлар желатинга ўхшаш массага жойлангач полимерлар билан бойитилган ана шу массада водород ажрата бошлайдилар. Батареядаги кислород ана шу водородга қўшилиб, электр токи ҳосил қилади.

ТУЯ СУТИДАН

Югославия мутахассисларининг айтишича, туя сутидан олинган ёғ бир қатор косметик воситалар тайёрлаш учун энг яхши хомашё экан. Ана шу хомашёдан тайёрланган янги хил крем, лосьон ва шампунлар синовдан ўтиб, оммавий ишлаб чиқаришга тавсия қилинди. Туя сутининг ёғидан тайёрланган бу косметик воситалар витаминлар, биологик жиҳатдан фаол моддаларга бой бўлиб, улар терини юмшоқ ва чиройли қилади.

Реклама ва эълонлар

63-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1977—1978 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚУРИЛИШ, ДУРАДГОРЛАРИ, ҚУРИЛИШ БЎЁҚЧИЛАРИ, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИЛАР, МОНТАЖЧИ-ПАЙВАНДЧИЛАР, БЎЁҚЧИ-АЛЬФРЕЙШИКЛАР.

Билим юртига 15—17 ёшли, 8-синфни тамомлаган ўғил ва қиз болалар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ЙИЛ.

Билим юртини тамомлаганлар ўрта маълумот ва билим юртини тамомлаганликлари ҳақида диплом оладилар.

БИЛИМ ЮРТИДА ЎҚИГАН МУДДАТ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқишга қабул қилинганлар бепул кийим-бош, уч маҳал иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланади. Ишлаб чиқариш таълими даврида иш ҳақининг 33 процента тўланади.

Билим юртини тамомлаганлар олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ёзилган ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақида гувоҳнома, характеристика, турар жойидан справка, автобиография, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти адреси: 700131, Тошкент шаҳри—131, «Чилонзор» массиви, 26-квартал, Шайхзода кўчаси (9, 15, 19, 21-трамвайларнинг «Ширин», 32, 54, 71-автобусларнинг «12-квартал» бекатлари). Телефон: 76-27-56.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

32-ҚИШЛОҚ ЎРТА-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1977 — 78 ЎҚУВ ЙИЛИГА
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КЕНГ ПРОФИЛЛИ ТРАКТОРЧИ-МАШИНИСТЛАР, УЧИНЧИ КЛАСС ШОФЁРЛАРИ, СЛЕСАРЛАР, МЕВАЧИЛИК ва САБЗАВОТЧИЛИК МАСТЕРЛАРИ, ШОФЁР-СЛЕСАРЛАР.

БИЛИМ ЮРТИГА 8 — 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ва УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.
ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 — 3 ЙИЛ.
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР СТИПЕНДИЯ, ИССИҚ ОВҚАТ ВА КИЙИМ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, соғлиги ҳақида справка, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат, армияга чақирилувчилар учун гувоҳнома, таржимаи ҳоли, ота-онасининг иш жойидан справка.

Билим юрти адреси: Тошкент область, Янгийўл район, Халқобод посёлкаси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МЕҲНАТ БЎЙИЧА БЎЛИМИ «МЕТАЛЛУРГМОНТАЖ» БЕКОБОД БОШҚАРМАСИГА ВА 16-«БЕКАБАДМЕТАЛЛУРГСТРОЙ» ТРЕСТИГА

электр пайвандчи, монтажчи, арматурачи, дурадгор, сувоқчи-бўёқчи, ғишт терувчи мутахассисликларига эга бўлган ёлғиз эркаклар ва хотин-қизларни.

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАРГА ЁТОҚХОНАДАН ЖОЙ БЕРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: область шаҳарлари ва районларида аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси вакилларига: Тошкент шаҳрида, Привокзальная кўчаси, 30-уй, Тошкент область ижроия комитетининг меҳнат бўйича бўлими. Телефонлар: 33-81-21; 33-84-84.

Спорт

САМБОЧИЛАР САФАРГА ОТЛАНИШДИ

Куни кеча Тошкентдан Болгарияга республикамизнинг энг кучли самбочиларидан ташкил топган Ўзбекистон терма командаси жўнаб кетди. Спортчиларимиз қардош мамлакат пойтахти Софияда 12 августда бошланадиган халқаро турнирда иштирок этишади.

Халқаро мусобақаларда бизнинг республикамиз терма командаси билан бирга яна Европанинг 10 та мамлакатидан келган самбочилар ҳам гиламга чиқадилар. Ана шу кучлилар билан беллашувларда Ўзбекистон спорт шарафини асосан тошкентлик йигитлар ҳимоя қилишади. Турсун Бадалов, Жўрбой Очилов, Сосо Гогнадзе, Ғафур Остонаев, Рифқат Ризвонов ва бошқалар Болгарияда ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

БИРИНЧИ ТУР ТУГАДИ

Биз Львов шаҳрида тошкентлик мерган С. Колосовнинг катта муваффақият қозонганлигини хабар қилган эдик. Ана шундай хушхабар Свердловск шаҳридан ҳам келди. Бу ерда бўлиб ўтган стенддан отиш мусобақаларида республикамиз мерганлари анча яхши қатнашдилар.

Свердловскда СССР чемпионатининг биринчи тури бўлиб ўтди. Бунда 17 команда совринли ўринлар учун баҳс юритди. Мерганларнинг кескин курашида Ўзбекистондиклар кучли ўнликдан ўрин олдилар. Тошкентлик СССР спорт мастери Юрий Тямофеев эса айланма стендда совринли олтинчи ўринни эгаллади. Ҳамшаҳарларимиз 200 нишондан 194 тасини аниқ мўлжалга олишди.

Энди мерганларимиз СССР чемпионатининг якунловчи, иккинчи турига тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу мусобақалар октябрь ойида Фрунзе шаҳрида ўтказилиб, унда шахсий биринчилик ғолиблари аниқланади.

ЕШЛАР ГАЗЕТАСИ СОВРИНИ УЧУН

Республика шахмат-шашка клубида яна бир қизиқарли турнирга старт берилди. Бу ерда «Ёш ленинчи» газетаси соврини учун шахмат мусобақалари бошланди.

Анъанавий бўлиб қолган турнирда меҳмонлар ҳам иштирок этишяпти. Шаҳримизга Олмаота, Жамбул, Чимкентдан келган шахматчилар ҳам асосий совринлар учун баҳс юритишяпти. Уйинлар қанчалик кескин ўтаётганлигини қатнашчиларнинг состави ҳам кўрсатиб турибди: 11 та турдан иборат швейцар системасида ўтказилаётган турнирда ҳаммаси бўлиб 162 шахматчи дона сурмоқда. Улар орасида икки спорт мастери, 40 мастерликка номзод бор. Қолганларнинг ҳаммаси биринчи разрядли шахматчилардир. Мусобақалар 20 августгача давом этади.

КУНДУЗИ УЧГАН КЎРШАПАЛАКЛАР

3. НУРМАТ ИЗИДАН

НУРМАТ... Нурмат... Қайси райондан изламоқ керак уни? Тавакқал, Чилонзор районидан бошлаш лозим. Ахир Валерий уни Чилонзорда туради, деб айтган эди-ку.

Шу қарорга келган бутун группа оператив кенгашга тўпланди. Вақтлар қиёслаб кўрилди: Крилов февраль охирларида ўлдирилди, демак, ҳозир Нурмат ўқишга кетган бўлиши мумкин. Қолаверса, жиноятчилар шу йўл билан изларини чалкаштиришни ҳам ҳисобга олишганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас эди.

Жиноят-қидирув ходимларидан бири Чилонзор халқ маорифига йўл олди. У Нурмат деган йигитни топиши, унинг фамилиясини, турар-жойини билиши, агар ўқишга кетган бўлса, қайси институтга жўнатилганлигини аниқлаши керак эди. Юзлаб талабаларнинг шахсий ишлари варақланди. Улардан саккизтасининг исми Нурмат бўлиб чиқди.

Хўш, улардан қайси бири Криловнинг зеб-зийнатидан бохабар бўлган ва ниҳоят котилликда қатнашган?.. Саккизта портретни Лесовикка кўрсатса ҳам бўлади. Лекин, у ҳолда Лесовик чўчиб қолиб, Нурматни огоҳлантириб қўйиши мумкин.

Бошқача иш тутилди. Саккиз Нурматнинг таржимаи ҳоллари синчиклаб ўрганилди. Уларнинг кўпчилиги шубҳадан ҳоли — ишчи, комсомол аъзолари, ДОСААФ активистлари бўлган йигитлар эди. Мазкур текширишлар шунчалик мохирлик билан ўтказилдики, йигитларнинг биронтаси бу ни сезгани йўқ.

Шубҳада фақат битта Нурмат қолди: Нурмат Умаров!. Унинг ҳаёт йўли, алоқалари, юриш-туриши қандай бўлган? Маълум бўлишича, ўқишга жўпагунча у ҳеч қаерда ишламаган, шунга қарамай Нурмат ресторанларда, пивохоналарда тез-тез пайдо бўлиб турган. Қўшнилар уни кўпинча кайф ҳолда кўришар экан.

— Нурмат қайси бибилиска пуллар ҳисобига айшу-ишрат қилган?.. Жиноят-қидирув ходимлари «Шарқ», «Дўстлик», «Баҳор» ресторанларида бўлишиб, Нурматнинг портретини доимий хўрандаларга кўрсатишди. Улар «бу болани» кўпинча 30—35 ёшлар чамасидаги кавказлик киши билан апоқ-чапоқ юрганини айтишди. Тановвул этилган нарсалар учун ҳар доим ўша киши ҳисоб-китоб қилар экан. Нурмат уни Алик деб чақиррркан.

Аммо бу далиллар асосида Умаровни Криловнинг қотили сифатида ҳибсга олиб бўлмас эди.

Энди терговчи ва жиноят-қидирув ходимлари Балакин деган кимсанинг уйи қандай қилиб ўғирланганлигини, Нурматнинг бу ишга алоқадорлигини текшириб кўришмоқчи бўлишди. Ўғрибоши — Вагифнинг акаси Нозим Масталиев қамоқда эди.

Тергов материалларида Н. Масталиев билан биргаликда Балакиннинг уйига бостириб кирган узун бўйли, девқомат йигит тилга олинган. У уй соҳибини уриб, йиқитган, сўнг пичоқ ўқталиб, хонадаги аёл қўлларидан тилла узукларини шилиб олган.

Яна материалларда уч гувоҳ ўғирлик пайтида Масталиев ўз шеригига «Толик» деб мурожаат қилганини тасдиқлашган. Аммо маккор Нозим бу йигитнинг кимлигини айтишдан бош тортиб, сўроқ пайтида бир ўзини гуноҳкор қилиб кўрсатган.

...Тахминан тенгдош йигитларнинг бир нечта портрети тайёрланди. Терговчи хонасига гувоҳларни таклиф этилди. Улар столнинг устида ётган портретларни қунт билан кўздан кечиришиб, бир овоздан Н. Умаровнинг портретини кўрсатишиб, «Нозимнинг шеригги Толик шу эди» дейишди.

Балакиннинг уйини ўғирлашда қатнашганлиги учун Умаровни қамаш тўғрисида прокурордан санкция сўраш пайти келган эди. У қамалса, фақат, шу иш юзасидан ушланади... Крилов масаласи-чи?... Наҳотки унинг бунга даҳли бўлмаса?!

Терговчи ва жиноят-қидирув ходими Нурмат ўқиётган шаҳарчага жўнашди. Умаров бундай учрашувни кутмаган экан шекилли, саросимага тушиб қолди ва маҳаллий юрист олдида айбига иқрор бўлди.

Қўлга тушган Нурмат ҳадемаёқ тоб ташлаб юборди... У ўйлаб ўйига етолмас эди... Энди ҳоли нима кечади? Беш кунлик айшу-ишрат деб, не балоларга гирифтор бўлди? Ё каттанинг, ё кичикнинг гапига кирмади. Минг афсус...

Нимадан бошланди ўзи?.. Ҳа, эсида, бир куни у Тезиков бозорининг ёнидан ўтиб кетаётиб, пивохонага кириб қолди. Икки шиша сотиб олди. Ича бошлади. Бир маҳал олдида кимдир пайдо бўлди. Ардан-бардан гаплашишди. Яна пиво буюришди.

— Қаерда ишлайсан? — деди мулойим овозда суҳбатдоши.

— Заводда, слесарман.

— Слесарман, — истеҳзоли кулди йигит, — юз сўлкавойнинг гадоси экансан-да, бечора.

— Нима қилай, кўргилик.

— Менинг исмим Алик, бугундан ака-укамиз, сен менга бир кўришдаёқ ёқиб қолдинг. Юр ресторанга!

— Ресторанга? — ҳайрон бўлиб сўради Нурмат.

— Кўрқма, муллажиринглардан қанча десанг топилади. Кетдик.

Улар таксида «Баҳор»га боришди. Ажойиб винолар, мазали таомлар, маст қилувчи музика. Қисқаси вақтни гаштли ўтказишди. Ҳисоб-китобни Алик қилди. Унинг ёнидаги жарақ-жарақ пулларни кўриб, Нурматнинг кўзи тиниб кетди... Ҳайрлашишди. Эртага яна учрашадиган бўлишди.

Шундай қилиб, улар кеча ва кундузни биргаликда ўтказишди. Дунёда Аликка ўхшаган одамлар ҳам бор экан-ку!.. У саҳий йигит. Ҳеч нарсани, ҳатто жонини Нурматдан аямайди-я!.. Қойил!.. Унинг бир ўтиришда сарфлаган пулини Нурмат бир ойда ҳам тополмайди... Ишни ташлайди. Вассалом!.. Шундай қилиб, Н. Умаров енгил-елпи ҳаёт кўчасига кириб кетди.

Нурматнинг ота-онаси «яқинда ўқишга кетадиган ўғилларининг кўнглини қолдиргиси келмади. Тун ярмида келса ҳам, маст-аласт юрса ҳам лом-мим дейишмади. Қаерда, ким билан юрибсан, деб сўрашмади. «Кетгунча яйраб олсин». — деб ўйлашарди улар.

ҚАРЗЛАРНИ тўлайдиган машъум кунлар ҳам етиб келди. Энди Нурмат «иш»га бориши керак эди. Алик туфайли у яна анчамунча огайнилар орттирди. У «дўст»лари ҳам, «салкам икки метрли баҳодир» Нурматдан яхши «кадр» чиқишини билишарди.

Аликнинг одати ғалати эди. У дуч келган уйга тушавермасди. «Устоз» кам гапириб, кўп қулоқ соларди. «Ғап овларди». Кимнинг «бой» туриши ҳақида маълумотлар йиғарди. Кўпинча ўз шерикларининг қариндош-уруғларини суриштирарди. Бир куни Масталиев «қайнанамнинг қўшниси бир аёл жуда бой эмиш», — деб қолди.

Кундузи унинг уйига боришди. Хонада кичкинагина қизчадан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Уни пичоқ билан қўрқитишиб, уч процентли заёмларни, араб сервизларини, уриб кетишди.

Эртаси сервисни 200 сўмга сотишди. Пулни тенг тақсимлашди. Қолган деярли икки минг сўмлик нарсаларни Алик ўзига олиб қолди. Нурмат ўз улушидан рози эди.

Бели оғримаганнинг нон ейишига қара, дейдилар. Нурмат ўлпон-ўлпон сарфлай бошлади... Мана ниҳоят ҳозир Тошкентга қайтиб кетяпти...

Унинг Тошкентга келганини ҳеч ким билмади. На қариндош-уруғлари ва на дўстлари. Бироздан сўнг Крилов шкафидан топилган бармоқ доғлари унинг панжаларининг изи эканлиги исбот қилинди.

Доира туташди. Тергов ишлари тезлашди.

Жиноий ишда энди бир неча фамилиялар пайдо бўлди: Лесовик, Умаров, Масталиев, Алиев, Краснощеков, Абдуллаев. Энг муҳими уларнинг ҳаммаси «Алик» деб атаган одам маълум бўлди. Бу лақаб остида маккор жиноятчи Алсаф Алиоғаевич Жаффаров яширинib юрган экан.

Генерал И. Ғ. Сатторов хонасида мазкур гуруҳни тутишга даҳлдор ҳамма кишилар тўпланди. Жиноят—қидирув бошқармаси бошлиги У. Тожихонов қўл остидаги материаллар ва ишнинг бориши тўғрисида ахборот берди. Фикрлар алмашинди. Жиноятчи гуруҳ аъзоларининг ҳаммасини айни бир пайтда қамаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шаҳар прокурори Ғ. Б. Бухороев бу операцияни ўтказишга санкция берди.

Эрталаб барвақт прокуратура ва милиция ходимларининг бригадаси фақат ўзларигагина маълум бўлган адреслар томон йўл олдилар.

(Давоми бор).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 12.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 13.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.45 — С. Вургун ижоди. 16.30 — Кешка ва унинг дўстлари ҳақида ҳикоялар (бадиий фильм, 1-серия). 17.45 — Фан оламида. 18.15 — Горничилар, қаердасиз! 19.00— Янгиликлар. 19.10 — Мультфильм. 19.15 — «Жасорат». 19.45 — Спортлото. 20.00 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Ҳужжатли фильмлар. 23.55 — Телеспектакль. 23.45 — «Ивериа» вокаль чолғу ансамбли чалади. 24.00 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — «Звездочка». 12.10 — Кувноқ пионер ёзи. 12.40 — Шеърият мухлисларига. 13.00 — «Хонадон ва унинг соҳиби» (бадиий фильм). 18.30 — «Бойчечак». 19.00 — Ёшлик ўлка маршрутлари. 19.30 — СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Севги қўшиқлари (адабий театр). 20.40 — Мультфильм. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Халқ бадиий ҳаваскорлар Бутуниттифоқ 1-фестивалининг лауреати — Ўзбекистон бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Нов. неъмат бунёдкорлари. 22.45 — Концертнинг давоми.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05—Болалар учун фильм. 19.30 — «Чинор» (бадиий фильм, 2-серия). 20.35 — Янгиликлар. 20.55 — Пойтахт область далаларида. 21.25 — Фильм-концерт.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10[VIII да Оқшомдан тушгача.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин безак (кундуз ва кечқурун).

Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин безак — БИЛИМЛАР УЙИ (13, 16, 18.30), ЧАЙКА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Номус масаласи — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Балоғатга етмаган ёшлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин безак. — «ФЕСТИВАЛЬ» (21.15).

Номус масаласи — «ХИВА» (21.15).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 02510. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Г. 1680.